

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ

ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент ирригация ва мелиорация институти

ГЕОДЕЗИЯ ВА ЕР КАДАСТРИ КАФЕДРАСИ

ИЖТИМОЙ –ИҚТИСОДИЙ КАРТОГРАФИЯ

ФАНИДАН

РЕФЕРАТ

МАВЗУ: Транспорт карталарини тузиш

БАЖАРДИ:

ГКК 4 к.1 гр. Ахмедов А.

ТЕКШИРДИ:

доц. И.Мусаев

Тошкент -2011

МАНБАЛАР: Транспорт карталарини тузиш

Режа:

1. ТРАНСПОРТ КАРТАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

3.2. ТРАНСПОРТ ВА ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

КАРТАЛАРИ

3.3. ТРАНСПОРТ КАРТАЛАРИНИ ТУЗИШ УЧУН

МАНБАЛАР

1. Транспорт карталарининг турлари

Транспорт ва иқтисодий алоқалар иқтисодиётнинг тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Худуднинг ўзлаштирилганлиги, унинг транспорт билан таъминланганлиги, иқтисодий ривожланганлик даражасини ва аҳолининг турмуш шароитларини ифодалайди.

Транспорт карталарини уч турга бўлиш мумкин: умумий транспорт, мажмуали ва тор тармоқли. Ундан ташқари, юк ва пассажир транспорти карталари алоҳида ажратилади. Карталарда юк оқимлари, иқтисодий алоқалар хажми, йўналишлари ва структураси ҳамда алоқа йўллари ривожланганлик даражасининг тасвирланиши янги саноат қурилишини жойлаштиришда ва бутун иқтисодиётни структуравий қайта қуришда муҳим асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

“Ўзбекистон комплекс атласи”да (1985) чоп этилгунга қадар транспорт халқ хўжалиги тармоғи сифатида кам картографиялаштирилган. 1961 йилда чоп этилган 21та карталардан биттаси “Автомобиль йўллари картаси”дир. 1981 йилги чоп этилган ўқув-ўлкашунослик атласида “Алоқа йўллари” картаси бор эди холос. Республика комплекс атласида қуйидаги олтита: темир йўл транспорти (юкларни жўнатиш ва қабул қилиш), транспорт тармоғи, юк автотранспорти, автобус транспорти, ҳаво транспорти (ҳалқаро ва маҳаллий авиа йўналишлар) карталари берилган.

Транспор карталарининг янги сериясини тайёрлаш учун авваламбор уларга хос мавзуларни аниқлаш лозим. Бугунги кунда транспорт бўйича умумий (синтетик) халқаро иқтисодий алоқалар (экспорт ва импорт) ва ички иқтисодий алоқалар карталари зарур. Ушбу серияга темир йўллар схемасини, темир йўл станциялари билан биргаликда, улардаги юк обороти, темир йўллар бўйича юк оқимлари, йўловчилар оқими, автомобиль парки ва унинг ҳолати, автотранспорт билан юк ташиш, автобус алоқалари, ҳаво пассажир транспорти, юкларни, почтани жўнатиш ва бошқа маълумотлар келтирилган карталарни қўшиш мумкин.

Республика хўжалигининг мазкур тармоғини картографиялаштиришнинг асоси темир йўл, авиа ва автомобиль транспорти тизими ҳамда транспорт тармоғи жойлашганлиги ва ривожланганлигининг хусусиятлари бўлиб ҳисобланмоғи лозим.

2. Транспорт ва иқтисодий алоқалар карталари

Транспорт ва иқтисодий алоқаларни карталаштириш ишлари бир қанча жиҳатлари билан бошқа карталарни тузиш ишларидан ажралиб туради. Бундай саноат тармоғининг шаклланишини ва ривожланиш имкониятларини баҳолашда транспорт соҳасининг ишлаш шароити ҳисобга олиниши керак. Табiiй муҳитнинг ўрни транспорт тармоқларига катта таъсир этади – рельеф, гидрографик тармоқлар – улар восита ва тусиқ сифатида таъсир этади; грунт ва ўсимлик қоплами, иқлимий шароитлар эса температуранинг ўзгариб бориши, ёғин-сочин миқдори ва ҳ.к. билан тармоқнинг шаклланилишини белгилайди. Ижтимоий-иқтисодий шароит аҳолининг ва ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлашганлиги билан, уларнинг тарқалиши, зичлиги, иқтисодий ва ижтимоий алоқаларнинг интенсивлиги билан транспорт тармоқларининг фаоллигини аниқлайди. Юқорилардан келиб чиқиб, транспорт воситаси ва алоқа йўллари кўрсаткичлари географиясини тасоввур қилиш мумкин. Алоқа йўллари бутун транспорт тармоқлари картасида кўрсатилиши, ёки алоҳидаги карталарда тасвирланилиши мумкин: темир йўллар, автомобил йўллари, денгиз, дарёлар ва бошқа сув йўллари ёки трубапи оқим ўтказиш карталари. Баъзан алоқа йўллари карталари ичига электр токи ўтказгичлар карталари ҳам киритилади, лекин бу кўрсаткичлар кўпроқ энергетика карталарда берилмоқда. Транспорт тармоғи

ҳаракатланувчи воситанинг тури, транспорт иншоотларининг қуввати бўйича таснифланади: темир йўллардаги локомативлар ва вагонлар сони, автопарклардаги машиналар сони ва юк кутариши ҳажми, самолётлар, кемалар сони, юк кутариш кўрсаткичлари, трубади ўтказувчиларнинг қуввати ва ҳ.к.

Транспорт соҳасининг бошқа кўрсаткичларини картада тасвирлаш – унинг ишлаш жараёнини ўрганиш билан белгиланади: юк ва пассажир ташиш, транспорт пунктлари ва маълум вақт мабойнида транспорт йўлларининг жадаллиги, поездлар ва автомашиналар ҳаракати зичлиги ва ҳ.к.

Транспорт соҳасининг сўнги тавсифи турли ҳудудий босқичларда иқтисодий ва ижтимоий алоқалар билан боғланган кўрсаткичлардир: маҳаллий босқичда алоҳидаги иқтисодий ва бошқа кўрсаткичли объектлар орасидаги транспорт ҳаракати; ҳудудий бирликда – иқтисодий районлар қисмлари орасидаги ҳаракатлар; регионлараро – йирик иқтисодий районлар бўйича алоқалар; давлатлараро (экспорт ва импорт ишларида) ва глобал – дунё ҳўжалиги миқёсидаги алоқалар. Транспортни карталаштиришда умумий ёки соҳалар бўйича картага олиш йўллари қўлланилади. Шу сабабли умумтранспорт (мутлоқ транспорт тармоқлари) ва транспорт соҳа турлари карталари фарқланади.

Бундай карталардан энг асосийси транспорт тармоқлари карталари бўлиб ҳисобланади, яъни бутун транспорт тармоқлари

карталари (бунга мисол тариқасида Собик Иттифокнинг олий ўқув таълими учун тузилган транспорт картасини келтириш мумкин. М., 1987, масштаби 1:4 000 000). Бу картада типологик принцип асосида йўллар турлари типологик кўрсаткичларни (даражаси, техник таъминоти, транспорт воситаларини ўтказиш эҳтиёжи, юк ташиш қуввати) ва транспорт марказлари типлари: транспортларни вақти бўйича тақсимлай олиши, транспорт марказлари тугунларининг машиналарни тақисмлаш ҳажми тасвирланган. Ўзбекистоннинг транспорт карталарида йўллар даражаси, объектларгача бўлган масофалар (километрда) берилган. Транспорт пунктлари бекатлари, разъездлар, портлар, аэропортлар, қуниш майдончалари ва бошқаларга бўлинади. Йирик транспорт тугунлари бажарадиган вазифасига қараб, махсус транспорт тармоғи, транспорт хўжалигига хизмат қилувчи тармоқларга бўлинади. Бундай тугунларни ҳосил қилишда регионларнинг иқтисодий-географик хусусияти эътиборга олинади.

Транспорт карталари йўллар турлари бўйича ҳам тузилиши мумкин, масалан, темир йўллар, автомобил йўллар, сув транспорти карталари (Франция Миллий атласи, 1953-1959 йй.). Бу атласда темир йўллар ўтказилган жойларга нишаблик кўрсаткичлари берилса йўллардан фойдаланишни баҳолаш ишларини бажарса бўлади.

Баъзи транспорт карталарида маъмурий-ҳудудий бўлиниш бўйича транспорт турлари ва аҳолининг транспорт тармоқлари

билан таъминланганлик даражаси кўрсатилади — майдон бирлигида транспорт тармоқларининг зичлиги (масалан, 100 км² да, Чехословакия Миллий атласида, 1967 й.). Картанинг масштабига қараб транспорт йўлларида ёки пунктларидан, портлардан ва ҳ.к. бошқаларигача бўлган масофа кўрсатилади. Транспорт объектларининг узоқлиги масофада, баъзан эса вақт ҳисобида берилилади, бундай вақтда транспорт тизимидаги вақт мезони эътиборга олинади (масалан, автобуснинг ўртача тезлиги 30 км/соат, қатнов ҳаракати оралиғи 15 мин. ва ҳ.к.). Бу кўрсаткичлар орқали транспорт пунктларига етишга кетадиган вақт ва транспорт зоналари чегаралари аниқланади, масалан, 60 ёки 90 минутли йўл; йирик шаҳарларгача бўлган қатнов ҳаракати даражаси кўзатилади. Қатнов ҳаракати даражаси эса аҳоли жойлашиши зичлигини кўрсатади.

Картада транспорт йўлининг иши юк ташиш пунктлари ва юк ташиш ҳажмига, ҳажмнинг миқдор кўрсаткичлари ва таркиби бўйича тасвирланади (пассажир алмашиш ва қатлов серҳаракатлиги). Юк ташиши тури бўйича — кумир, нефть маҳсулотлари, темир рудаси, нон маҳсулотлари, тузлар ва ҳ.к. Юк ва пассажирлар ташиш транспорт карталари белгилар усулида тузилади. Бундай усулда транспорт воситаларининг юк ташиш таркиби, келиб-кетиш вақти белгилар билан берилганда карта белгилар билан тулиб кетмайди, чунки улар таркибли кўринишда танланади.

Юк ва пассажир ташиш карталари учун ҳаракатдаги белгилар усули ишлатилади. Транспорт воситаларининг серқатновлигини тасвирлаш алоҳида аҳамиятга эга, бунинг учун белгилар усулидан фойдланиш ва уларни транспорт пунктлари ёки транспорт ҳаракати трассалари ёнига қўйиш мақсадга мувофиқ. Транспорт самарадорлиги транспорт иқтисодий алоқалари карталарида берилади. Бу картани тузиш учун турли кўрсаткичлардан фойдаланилади: вазнли, натурал, баҳоли ва ҳ.к. Транспорт алоқалари карталари ҳаракатдаги белгилар – таркибли полосалар, таркибли картодиаграммалар ва белгилар билан, ёки номлари тилга олинган усулларни биргаликда қўллаш натижаисда тузилади. Транспорт географияси транспорт-иқтисодий районлаштириш карталарида кўрсатилади, бунда ҳудуднинг транспортли ва иқтисодий ўзлаштирилганлиги ифодаланиб, ҳудудга хос бўлган транспорт хусусияти томонлари тасвирланади. Масалан, Тюмен области атласида (1976 й.), областнинг жанубида темир йўл, автомобил транспорти, ғарбида – сув транспорти, шимолида – дарё, денгиз ва ҳаво йўллари транспорти турлари ҳаракати кўрсатилган.

Ҳозирги вақтда транспортнинг иқтисодий кўрсаткичларини тасвирлайдиган карталарни яратиш долзорб бўлиб бормоқда (транспорт воситалари, юк ташиш турлари, транспорт ҳаракати рентабеллиги, транспорт тарифи ва ҳ.к.).

3. Транспорт карталарини тузиш учун манбалар

Транспорт карталарини тузиш учун манбалар (аэрокосмик, рўйхат-статистик ва бошқалар) бир жойга тўпланиши керак. Темир йўл транспорти манбалари бир жойда йиғилган, лекин автомобил транспорти ҳақида бундай дейиш мумкин эмас. Автомобил транспорти манбаларини йиғиш учун баъзан экспедицион ишларни ташкил этиш талаб қилинади.

Серияли транспорт карталарини тузиш учун иш алоҳидаги транспорт тармоқлари карталарини тузишдан бошланади, чунки бу карталар юк ва пассажир ташиш ҳаракати жадаллиги карталарини тузишда жуда қўл келади. Атлас карталарини тузишда ишга адресли карталарни жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Транспорт карталарининг авторлик оригиналини тузишда географик асос сифатида умумгеографик карталардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки бу карталарда транспорт йўллари тўлиқ тасвирланган. Майда масштабли транспорт карталарини тузишда, генерализация ишларида, транспорт тармоқлари категориялари изчиллик билан танланиши зарур, чунки картада ҳудуднинг транспорт билан таъминланганлиги фойдаланилади. Генерализация ишлари юк алмашиш ҳажми ва юк ташиш ҳаракати ҳамда уларнинг таркибини танлашда кўроқ намаён бўлади. Траснпорт иқтисодий алоқаларини карталаштиришда йирикроқ

бирликларга ўтиш принципи кенг қўлланилади (райондан вилоятга, йирик иқтисодий районларга ва ҳ.к.).

Аэрокосмик сураатлар орқали транспорт тармоқларини аниқлаштириш ва янгилаш ишлари бажарилади, бундан ташқари улар билан ҳаракат жадаллигига ҳам баҳо берса бўлади.

Карталаштириш ишларига автоматик ва математик методларнинг кириб келишига йўл ҳаракатлари ва транспорт тармоқлари орасидаги боғлиқлик динамик ҳолатда бўлгани сабаб бўлди. Ҳозирда ЭҲМ орқали йўллар динамикаси карталарда тасвирланмоқда, уларда бўлаётган ўзгаришлар кўрсатилмоқда, юк ташиш ва транспорт иқтисодий алоқалари бирмунча йўлга қўйилмоқда. Бундай ишларни янада ривожлантириш учун географик жиҳатдан махсус ориентирланган маълумотлар банкини ҳосил қилиш керак ва у ёрдамида анча деталлашган, тўғриланган, ишончли бўлган турли мавзули транспорт маълумотларини тўпласа бўлади.

Адабиётлар:

1. Алаев Э.Б. Социально-экономическая география. Москва «Мысль», 1986.
2. Асомов М., Мирзалиев Т. Топография ва картография асослари (ўқув қўлланма). Тошкент. Ўқитувчи 1986.

3. Асомов М., Мирзалиев Т. Топография асослари ва картографиядан лаборатория машғулоти (ўқув қўлланма). Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
4. Мирзалиев Т. Картография (университет география факультети талабалари учун ўқув қўлланма), Тошкент: ТашГУ, 1982.
5. Баранский Н.Н., Преображенский А.И. Экономическая картография. М., 1962.
6. Берлянт А.М. Картография. М., 2002.
7. Берлянт А.М. Карта - второй язык географии. М., Просвещение, 1985.
8. Евгеев О.А. Мютый А.А. и др. Проектирование систем знаков тематических карт. Москва, 1986
9. Мирзалиев Т. Космоснинг халқ хўжалигидаги аҳамияти. Тошкент, 1987 (монография).
10. Мирзалиев Т. Географик тадқиқотларда аэрокосмик методлар (университет география факультети талабалари учун ўқув қўлланма) Тошкент: ТошДУ, 1984.
11. Мирзалиев Т. Проблемы комплексного и тематического картографирования Узбекистана. Ташкент, 1987 (монография).
12. Мирзалиев Т. Табиатни муҳофаза қилишда космик расмлардан фойдаланиш. - Тошкент: Фан, 1987 (монография).

13. Мирзалиев Т., Мухитдинов Ш., Базарбаев А. Атласное картографирование Узбекской ССР. Ташкент: Фан, 1990 (монография).

14. Mirzaliev T, Musaev I.M. Kartografiya T. ILM.Ziyo-2007